# XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ



**Иш ҳақи.** 2021 январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича иш ҳақи таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда:



**Таълимда** 1136 та муассасада 61443 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 47,5 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 390556,6 млн. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 41,9% ни) ташкил этган. Таълим соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2089,6 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 8,9 % га ўсди;



**Саноатда** 42 та корхонада 16479 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши–12,7 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 138085,4 млн. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 14,8 % ни) ташкил этган. Саноат соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2726,0 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 3,5 % га камайди;



**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда** 80 та муассасада 22351 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 17,3 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 146422,6 млн. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 15,7 % ни) ташкил этган. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2152,4 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 11,4 % га ўсди;



**Ташиш ва сақлашда** 10 та корхонада 2592 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 2,0 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 33427,4 млн. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 3,6 % ни) ташкил этган.Ташиш ва сақлаш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 4287,1 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 2,5 % га камайди;



**Молиявий ва суғурта фаолиятида** 18 та муассасада 2409 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,9 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 44622,2 млн. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 4,8 % ни) ташкил этган. Молиявий ва суғурта фаолияти соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 5831,5 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 31,4 % га ўсди.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш ҳақи кўрсаткичларини умумлаштириш натижасида, 2021 йил январь-март ойларида Хоразм вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2402,2 минг сўмни (иш ҳақига устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 8,8 % га ўсиши кузатилди.



**Соҳалар кесимида юридик шахслар сони ва ишловчи ходимлар сони**

*(2021 йил январь-март ойларида қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*

| | Корхона ва ташкилотлар сони ( бирлик) | | Ўсиш суръати, % | Ходимлар сони, киши | | Ўсиш суръати % | улуши |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2020й | 2021 й. | | 2020й. | 2021 й. | | |
| **Хоразм вилояти - жами** | **3130** | **2861** | **91,4** | **124419** | **129481** | **104,1** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | | | | | |
| Саноат | 34 | 42 | 123,5 | 12603 | 16479 | 130,8 | 12,7 |
| Қурилиш | 12 | 14 | 116,7 | 1149 | 1327 | 115,5 | 1,0 |
| Савдо | 24 | 31 | 129,2 | 2009 | 2095 | 104,3 | 1,6 |
| Ташиш ва сақлаш | 7 | 10 | 142,9 | 2458 | 2592 | 105,5 | 2,0 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 13 | 13 | 100,0 | 70 | 50 | 71,4 | 0,04 |
| Ахборот ва алоқа | 18 | 18 | 100,0 | 790 | 787 | 99,6 | 0,6 |
| Молиявий ва суғурта фаолияти | 30 | 18 | 60,0 | 2938 | 2409 | 82,0 | 1,9 |
| Таълим | 1183 | 1136 | 96,0 | 58451 | 61443 | 105,1 | 47,5 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар | 72 | 80 | 111,1 | 23290 | 22351 | 96,0 | 17,3 |
| Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш | 155 | 86 | 55,5 | 1989 | 1945 | 97,8 | 1,5 |
| Бошқа фаолият турлари | 1582 | 1413 | 89,3 | 18672 | 18003 | 96,4 | 13,9 |

## Соҳалар кесимида иш ҳақи фонди ва ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

*(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм)*

| | *Иш ҳақи фонди, млн. сўм (январь-март)* | | *Ўсиш суръати, %* | *Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўм (январь-март)* | | *Ўсиш суръати, %* |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *2020 йил* | *2021 йил* | | *2020 йил* | *2021 йил* | |
| **Хоразм вилояти - жами** | **823788,0** | **933134,3** | **113,3** | **2207,0** | **2402,2** | **108,8** |
| *шу жумладан:* | | | | | | |
| Саноат | 110358,3 | 138085,4 | 125,1 | 2825,8 | 2726,0 | 96,5 |
| Қурилиш | 7850,7 | 12666,2 | 161,3 | 2261,8 | 2774,5 | 122,7 |
| Савдо | 13493,2 | 13614,1 | 100,9 | 2127,7 | 2106,2 | 99,0 |
| Ташиш ва сақлаш | 32508,0 | 33427,4 | 102,8 | 4396,3 | 4287,1 | 97,5 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 286,7 | 234,3 | 81,7 | 1358,4 | 1562,1 | 115,0 |
| Ахборот ва алоқа | 5792,3 | 6864,8 | 118,5 | 2440,2 | 2797,2 | 114,6 |
| Молиявий ва суғурта фаолияти | 41191,8 | 44622,2 | 108,3 | 4437,2 | 5831,5 | 131,4 |
| Таълим | 340858,7 | 390556,6 | 114,6 | 1918,8 | 2089,6 | 108,9 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар | 136608,4 | 146422,6 | 107,2 | 1932,8 | 2152,4 | 111,4 |
| Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш | 9582,9 | 10551,7 | 110,1 | 1546,6 | 1767,7 | 114,3 |
| Бошқа фаолият турлари | 125257,0 | 136089,0 | 108,6 | 2219,2 | 2505,1 | 112,9 |

2021 йил январь-март ойларида 2020 йилнинг мос даврига нисбатан иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг юқори ўсиш суръати молиявий ва суғурта фаолиятида 31,4%, қурилишда 22,7 %, яшаш ва овқатланиш хизматида 15,0%, ахборот ва алоқада 14,6 % кузатилди.

**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори ва ўсиш суръати**

*(2021 йил январь-мартда қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари,минг сўмда)*




Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Тупроққалъа туманида 3083,2 минг сўмни (128,3 %), Урганч шаҳрида 3025,2 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан (125,9 %) ташкил этган бўлса, Қўшкўпир туманида 1932,8 минг сўмни (80,5 %), Гурлан туманида 1918,1 минг сўмни (79,8 %), Янгибозор туманида 1890,6 минг сўмни (78,7 %), Ҳазорасп туманида 1854,5 минг сўмни (77,2 %) ташкил этиб, бошқа туманларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

**Шаҳар ва туманлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**

*(2021 йил январь-март, вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)*




**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, 2021-йилнинг 1-февралидан бошлаб меҳнатга хақ тўлашнинг энг кам миқдори 747 300,0 сўмни ташкил этади.



**Таълим фаолияти бўйича шаҳар ва туманлар кесимида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи вилоят таълимига нисбатан**

*(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм)*

| | *2021 йил январь-март ойларида ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўм* | *Вилоятга нисбатан фоизда* |
|---|---|---|
| **Хоразм вилояти** | **2089,6** | **100,0** |
| шаҳарлар: | | |
| Урганч | 2844,9 | 136,1 |
| Хива | 2015,3 | 96,4 |
| туманлар: | | |
| Боғот | 2040,0 | 97,6 |
| Гурлан | 1819,6 | 87,1 |
| Қўшкўпир | 1737,4 | 83,1 |
| Урганч | 1976,6 | 94,6 |
| Ҳазорасп | 1860,6 | 89,0 |
| Тупроққалъа | 1789,0 | 85,6 |
| Хонқа | 2103,9 | 100,7 |
| Хива | 1893,7 | 90,6 |
| Шовот | 2023,3 | 96,8 |
| Янгиарик | 2135,5 | 102,2 |
| Янгибозор | 1864,3 | 89,2 |

## Шаҳар ва туманлар кесимида таълим фаолияти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

*(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм)*




